



ҚОНУН ВА ШАРХ

Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисида «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади. Сенаторлар, депутатлар, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар ушбу Қонун мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштиришда, жамият ҳаётининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилиш бўйича парламентнинг таъсир кучини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашмоқда.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

давлат бошқарувини янада демократлаштиришга хизмат қилади

Ҳаммамизга яхши аёнки, назорат-таҳлил ишлари парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратининг кучайиши натижасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати чуқур таҳлил этилади, белгиланган вазифалар ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши бўйича масъулият ошади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, шу орқали нафақат марказда, балки олис қишлоқ ва туманларда ҳам аҳолини ўйлантираётган масалалар ечим топиши, ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш учун кенг йўл очилади, зарур шароит яратилади. Шу боис, парламент назорати институтининг миллий қонунчилигимизда акс этиши муҳим масала ҳисобланади.

Аввало «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда халқро ва хорижий тажриба ҳар томонлама ҳисобга олинганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Ушбу Қонун Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида қизгин муҳокама қилинди.

Хўш, Қонунни қабул қилиш заруратини нималарда кўриш мумкин? Умуман олганда, Қонуннинг аҳамияти, мазмун-моҳияти нимадан иборат?

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

«АЁЛЛАР СОҒЛИҒИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ»

Оққўрғон туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда давра суҳбатини ташкил этилди.

Депутатлар, партия фаоллари, шифокорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга Президентимиз раҳнамолигидан устувор аҳамият қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Истиқлол йилларида миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг

турмуш фаровонлигини ва оилада тиббий маданиятни юксалтириш учун қўлай шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши ушбу йўналишдаги

ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, ёш оналар ва болаларнинг овқатланиш рацони сифати ва калориясини бойитиш, соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлиги юзасидан фикр алмашилди.

«Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи» шиори остида ташкил

этилган тадбир доирасида «Дўстлик» қишлоқ врачлик пунктида хотин-қизлар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Акцияда малакали терапевт, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, маммолог, гинеколог шифокорлар аҳолини бепул тиббий кўрикдан ўтказди. Касалик аниқланганларга даволаниш учун тавсия берилди.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ

ижросига бағишланди

Бухоро вилоят ҳокимлигида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқарма бошлиқлари, йирик корхоналар раҳбарлари, жамоат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишни вилоят ҳокими Муҳитдин Эсанов бошқарди.

Президентимизнинг 2016 йил 9 февралдаги «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 11 бўлим ва 80 банддан иборат ҳудудий дастур тасдиқланди.

«Бухоронома» газетаси сайтида хабар берилишича, дастурда режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш учун 444 миллиард сўм ҳамда хорижий молия институтларининг грантлари ҳисобидан 144 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши белгиланди.

ОБОД ВАТАНДА

Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда «Фарғона ҳақиқати» газетаси сайтида хабар берилмоқда.

Шаҳар аҳолиси, айниқса, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, бўш вақтининг мазмунли ўтказиши учун истироҳат боғида қўлай шароит яратилган бўлиб, янги аттракционлар ўрнатилди. Сузиш ҳавзаси, кичик стадион, фотостудия сингари хизмат кўрсатиш шохобчалари замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Гўзал ва сўлим дам олиш масканига айланган боғ ҳудудига 400 ўринли амфитеатр мажмуаси ҳам барпо этилди. 1000 тупдан зиёд арча, эман, каштан ва қайрағоч кўчатлари экилиб, кенг қўламли кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК

Мирзачўл туманида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида байрам тадбири ташкил этилди.

Кўтаринки руҳда ўтказилган шод ёнада Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Эштемир Исмаев ва бошқалар истиқлол йилларида миллатлараро тоғувлиқни таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудига яшайётган барча миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Жиззах вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, анжуман доирасида Ўзбекистон Балий академияси аъзоларининг Соғлом она ва бола йилига бағишланган асарлари ҳамда ёш мусаввирларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

ЎзХДП: «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

Ўзбекистон ХДП «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг илк, яъни бошланғич ташкилотлар босқичи якунига етмоқда.

ЎзХДП Наманган туман кенгаши томонидан Тошбулоқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ташкил этилган танлов кўтаринки руҳда ўтди.

ЁШ СИЁСАТЧИЛАР

ўзаро куч синашмоқда

Иштирокчилар лойиҳа тақдимоти, билимдон сиёсатчи, нотиклик санъати шартлари орқали сиёсий-хукукий билимларини синовдан ўтказди.

Биринчи — лойиҳалар тақдимоти шартларида иштирокчи Мохинур Абдурахмоновнинг «Мадад» ижтимоий қўлаб-қувватлаш марказини ташкил этиш лойиҳаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Иккинчи — билимдон сиёсатчи, деб номланган шартда эса иштирокчи Муқаддас Абдурашидова саволларга тўлиқ ва аниқ

жавоб бериб, юқори натижани қайд этди.

«Нотиклик санъати» шартларида ёш сиёсатчилар турли ижтимоий-сиёсий мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Умумий натижаларга кўра, Тошбулоқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Муқаддас Абдурашидова кўрик-танловнинг туман босқичига йўлланма олди.

Гулрух ТОШМАТОВА,
ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши
сектор мудири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Депутатлар фаоллиги

партиямиз Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

Маҳаллий Кенгашлардаги кўпчилик депутатларимиз сайловчилар, электротар манфаатларига дахлдор у ёки бу масала юзасидан мутасаддиларга депутатлик сўровлари билан мурожаат қилишдек таъсирли усулдан ўринли фойдаланишяпти. Аммо айрим ҳолларда бундай сўровларга вақтида жавоб берилмаётганидан ҳам кўз юйиб бўлмайди.

2



3

ЎзХДП: ФАКТ
ВА РАҚАМЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ХДП МИНТАҚАВИЙ
КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ
ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА
1700 ГА ЯҚИН МУРОЖААТ БЎЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ,
ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП
ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТУРЛИ ИЖТимоий
МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН 112 ДЕПУТАТЛИК
СЎРОВИ ЮБОРДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КОСОНСОЙ ТУМАН
КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИДА
КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ
ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Бухоро

Фарғона

Жиззах

ҚОНУН ВА ШАРҲ

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

давлат бошқарувини янада демократлаштиришга хизмат қилади



Собитхон ТУРҲУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎЗДП фракцияси аъзоси:

— Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгда қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда парламент назорати муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган демократик давлатлар таърибаси бунга тасдиқланади.

Шу маънода айтадиган бўлсак, бугун парламент назоратини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бундан икки йил олдин, яъни 2014 йилда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида парламент назорати институтига конституциявий

мақом берилди. Демак, парламент назоратининг субъектлари, объектлари, уни амалга ошириш шакллари ва ҳуқуқий механизмларини қонун билан мустақамлашга эҳтиёж туғилди.

Шунингдек, мамлакатимизда парламент назоратига оид тизимлаштирилган қонун йўқ эди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда эса парламент назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий механизмлари етарли даражада очиб берилмаганди. Шуларни инобатга олиб, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди.

Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида миллий қонунчилик, ҳуқуқшунос олимлар ва экспертларнинг фикрлари ҳамда 30 дан ортиқ чет давлатлар таърибаси ўрганилиб, парламент назорати соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинди.

Қонунни Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш жараёни ҳам жуда қизғин кечди. Депутатлар билдирган таклифлар асосида қонун лойиҳаси янада тақомиллаштирилди. Бу жараёнда ЎЗДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, партия дастурий мақсадларига мувофиқ тарзда ўз нуқтаи назарини баён этишди.

Олдимизга қўйилган янги вазифаларни бажариш, умуман, парламент назоратини изчил амалга ошириш, аввало, биз, депутатлар, парламент аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Қабул қилинаётган қонунларнинг фуқаролар ҳаёт тарзига нечоғлиқ ижобий таъсир этаётгани, яна қандай ҳуқуқий масалаларга талаб борлигини доимий равишда ўрганиб боришимиз керак.

■ «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган фоят муҳим вазифа қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир».



Раззоқ ОСТАНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Парламент назорати ҳақида сўз борар экан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган голларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратининг кучайиши орқали давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида манфаатлар мувозанати изчил таъминланмоқда.

«Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратишни назарда тутати.

Қонунда парламент назорати субъектлари ва объектлари аниқ белгиланган. Шунингдек, унинг шакллари мустақамланган, парламент назорати натижалари бўйича қўриладиган чора-тадбирлар таснифланган.

Жумладан, Олий Мажлис палаталари, палаталар қўмиталари (комиссиялари), сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари ҳисобланади.

Парламент назорати йўлга қўйилиши ҳаётимизни демократлаштиришда, қонун чиқарувчи ҳокимият, қолаверса, сиёсий партиялар фракцияларининг таъсир кучини оширишда муҳим ўрин тутати.



Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Қонунда парламент назорати шакллари аниқ мустақамлаб қўйилди. Унга кўра, Давлат бюджети ижро этилишини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини тинглаш, шунингдек, ҳукумат аъзоларининг ахбороти, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш назарда тутилган.

Парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш, парламент текшируви сингари парламент назорати шакллари ҳам мустақамлаб қўйилди.

Қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият тармоқлари бўлиниши ҳақидаги конституциявий тамойил янада изчил рўёбга чиқишда, Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли ва таъсирини кучайтиришда, қонун устуворлиги ҳамда қонунлар ижроси таъминлашида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулияти ошишида муҳим омил бўлади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЎЗДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Депутатлар фаоллиги

партиямиз Ҳаракат дастури
ижросини таъминлашда муҳим
аҳамият касб этади

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашида партиямиздан сайланган 12 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 105 нафар депутат фаоллиги юритмоқда.



Хўш, ҳудудларда электрорат вакилларини ўйлантираётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида депутатларимиз ўз ваколатларидан қай даражада фойдаланмоқда? Маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари фаолиятдан бугун қонини ҳосил қилиш мумкинми? 2016 йил учун мўлжалланган Ҳаракат дастуридаги вазифалар ижросини таъминлашда депутатларимиз, депутатлик бирлашмалари қайси жиҳатларга кўпроқ аҳамият бериши керак?

ЎЗДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан партия Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ҳаракат дастурини амалга оширишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг ролини кучайтиришга доир долзарб вазифалар» мавзусидаги семинарда ана шулар тўғрисида сўз юритилди, мулоҳазалар билдирилди.

Семинар аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗДП фракцияси аъзоси Зулайхо Ақомова, ЎЗДП Марказий Кенгаши ахли бандлиги ва ижтимоий-сиёсат масалалари бўлими мудири Назира Матёкубова партия дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, депутатлик бирлашмаларининг ўрни ҳамда вазифалари, яратилган қонуний асослар, ваколатлар, мажбуриятлар хусусида атрафлича тушуна бериб ўтди.

Халқ депутатлари Фалларол туман Кенгашидаги ЎЗДП гуруҳи раҳбари Нодирбек Аноров, Жиззах шаҳар партия кенгаши раиси Носир Сиддиқов, вилоят Кенгаши депутати Хидир Шукуров Ҳаракат дастурида белгиланган ижтимоий-иқтисодий масалалар, ҳудудларга хос муаммоларни партия гуруҳлари, доимий комиссияларда

ўрганиш, сессиялар муҳокамасига киритиш билан боғлиқ тажрибаларини ўртоқлашди.

— Партиямиздан сайланган базис маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини ижобий баҳолаб бўлмайди, — деди ЎЗДП Жиззах вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Мўтабар Каримова. — Улар орасида кўплаб фидойи, жонқуяр, қатъиятли депутатларимиз билан бир қаторда, сайловчиларни, электрорат вакилларини қизиқтираётган масалаларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлаётган, депутатлик масъулиятини тўлиқ ҳис этмаётганлари ҳам йўқ эмас. Натижада айрим ҳолатларда маҳаллий Кенгашларнинг сессияларига масалалар тайёрлаш, депутатлик сўровлари, депутат назорати каби таъсирчан воситалардан фойдаланишда камчиликлар кўзга ташланиб қолмоқда.

Тўғри, маҳаллий Кенгашлардаги кўпчилик депутатларимиз сайловчилар, электрорат манфаатларига дахлдор у ёки бу масала юзасидан мутасаддиларга депутатлик сўровлари билан мурожаат қилишдек таъсирли усулдан ўринли фойдаланишяпти. Аммо айрим ҳолларда бундай сўровлар вақтида жавоб берилмаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ўринда, аввало, депутат сўровининг мазмун-моҳияти, унинг муҳимлиги, аҳамияти, қиратиш тартибига жиддий эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Семинар сўнггида фаол депутатлар, партия гуруҳлари раҳбарлари рағбатлантирилди. Бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

■ ЎЗДП: «ИСТИҚБОЛ»
ЁШЛАР ҚАНОТИ

Самарқанд вилоят партия кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори Иштихон туман партия кенгаши билан ҳамкорликда сиёсий-ҳуқуқий билимдонликни ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказди.

Тажриба алмашилди

Унда вилоят ва туман партия кенгаши масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

Тадбирда «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолиятини тақомиллаштириш, етакчиларнинг партия ташкилотлари ва депутатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

— Партия фаоллари малакасини ошириш, аниқсая, ёш аъзоларнинг таъриба алмашишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЎЗДП Иштихон туман кенгаши раиси Лола Булакова. — Бу жараёнда «Истиқбол» ёшлар қаноти имкониятларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Жойларда давра суҳбатлари, амалий семинарларни кўпроқ ташкил этиш зарур. Шу орқали ёшларда нафақат мустақил фикрлаш кўникмаси шаклланади, балки ўзаро таъриба алмашиш, ютуқларни оммалаштириш имкони кенгайди.

Вилоятимизда «Истиқбол» ёшлар қанотининг 2 минг нафарга яқин аъзоси бор. Уларни «Ёш сиёсатчилар» клубига жалб қилиш, семинарларда фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Исломбек УМИРОВ,
ЎЗДП Самарқанд вилоят кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби координатори.

■ ЎЗДП: «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК САРИ»

Иш бошлаш ниятидаги аёллар қўллаб-қувватланади

ЎЗДП Тошкент шаҳар ҳамда Бектемир туман кенгаши ташкил этган давра суҳбатида партия фаоллари, депутатлар, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими вакиллари, бўш иш ўринларига эга корхона-ташкilotлар иштирок этди. Тадбирда демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида партия ташкilotлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

— Аёл жамиятда фаолликка эришиши учун, аввало, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлиши керак, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎЗДП гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова. — Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири иш бошлаш ниятидаги хотин-қизларга унинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида маълумот беришдан иборат. Тадбирлар давомида депутатлар ҳамкорлигида хотин-қизларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, бу борадаги қонунчилик ижросида юзага келмаётган камчилик ва муаммоларни ҳам ўрганиб боришимиз. Депутатлик сўровлари, оғзаки ва ёзма мурожаатлар орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда кўп масалалар ижобий ҳал этиляпти. Эндиликда кўтарилган барча масалаларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи орқали доимий комиссиялар, шунингдек, сессияларда кўриб чиқиш учун тақдим этиш чораларини янада кучайтиришимиз зарур.

ЎЗДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова хотин-қизларни ишга жойлаштириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган тадбирлар,



уларнинг амалий натижаси хусусида тўхталиб ўтди.

— Туманда партияимизнинг 2760 нафардан зиёд аъзоси бўлиб, шундан 1247 фарини хотин-қиз ташкил этади, — дейди Бектемир туман партия кенгаши раиси ўринбосари Лола Ярашева. — 47 бошланғич партия ташкilotининг 32 тасига аёллар етакчилик қилмоқда. Ташкilot ва корхона-ташкilotнинг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Хусусан, улар билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида тумандаги маҳаллаларда мониторинг ишлари олиб борилди. Ҳамкор ташкilotлар билан биргаликда корхона-ташкilotдаги бўш иш ўринлари, уйда ўтирган хотин-қизлар,

уларнинг мутахассисликлари ўрганилди. Натижада 109 нафар хотин-қизнинг ишга жойлашишига кўмак берилди.

— Хотин-қизлар билан учрашувларда меҳнат дафтарчаси ва пенсия дафтарчасини расмийлаштириш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси ва пенсия таъминотига оид ҳуқуқлари тушунтириб бериляпти, — дейди ЎЗДП Тошкент шаҳар кенгаши сектор мудири Гулчехра Азизова. — Опа-сингилларимиз ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун янада кўпроқ иш ўринлари яратиштириш лозим. Бунда ижтимоий шериклик асосида ҳамкор ташкilotлар билан ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам яхши самара беради, албатта.

Тадбирга қадар иш ўринлари ташкил этиш ва иш бандлигини таъминлаш дастури доирасида ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар, жумладан, хотин-қизлар учун

яратилган шарт-шароит ўрганилган эди. Назорат-таҳлил натижалари умумлаштирилди ва депутатлар, соҳа мутахассислари иштирокида кенг муҳокама этилди. Иштирокчиларнинг меҳнат соҳасига оид қонун ҳужжатлари юзасидан таклифлари олинди.

Тадбир якунида 5 нафар хотин-қизга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, ЎЗДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева, Хусайн Бойқаро номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Сатторов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими бошлиғи ўринбосари Рихси Соибназарова ҳамда бир гуруҳ фаоллар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН
ВА ЖАҲОН

■ Ўзбекистон келажаги бўлган истеъдодли ёшлар
кишининг ҳавасини келтиради.

Жанубий
Корея

Ташқи ишлар вазирлиги
делегацияси билан
учрашув бўлиб ўтди



Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида 4 апрель куні Жанубий Корея Ташқи ишлар вазирлиги Европа ишлари бўйича Бюроси бош директори Пак Чол Мин бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар бермоқда.

Учрашувда 2014 йил Президент Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонга ва 2015 йил Президент Ислон Каримовнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифлари давомида эришилган икки томонлама келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мулоқот чоғида «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми фаолияти масалалари ҳам қўриб чиқилди.

27 нафар
фан номзоди

докторлик
диссертациясини
ҳимояга тайёрлади



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатаётган фан номзоди ва доцентлар талабаларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини ҳам изчил олиб бормоқда. ЎзМУ ахборот хизматининг хабар беришича, шу кунгача улардан 27 нафари турли мавзуларда докторлик диссертацияларини ёзиб туталлади.

— Ҳар бир олий таълим муассасасининг нуфузи — унинг илмий салоҳияти билан белгиланади, — дейди ЎзМУ ректори, профессор Шухрат Сирожиiddinov. — Шу боис, университетимизда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун барча имкониятлар яратилган. Тадқиқотчилар Ахборот-ресурс марказида интернет тармоғига уланган компьютерлар орқали дунёнинг исталган таълим муассасаси билан ҳамкорлик ўрнатиш имконига эга.

Тобиас ЭЛЛВУД:

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ
ҲАМКОРЛИГИ КЎПЛАБ СОҲАЛАРДА
ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, таълим, фан ва маданият, ҳаво транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎЗА муҳбири мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган **Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича вазири ўринбосари Тобиас ЭЛЛВУД** билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда изчил ривожланмоқда, — деди Тобиас ЭЛЛВУД. — Мамлакатингизга ташрифидан асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада фаоллаштириш ва мустақамлаш масалаларини муҳокама этишдан иборат.

Ташриф доирасида қатор вазирлик ва идораларда минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан музокаралар ўтказди. Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишув менда катта қизиқиш уйғотди. Учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий имкониятлар, Британия Кенгаши ҳамда «Chevening» стипендия дастурининг таълим соҳасига кўмаги ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатингизда иш юритаётган британиялик



бизнес вакиллари фаолияти билан танишганимдан, Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети талабалари, «Chevening» стипендияси соҳиблари билан мулоқот қилганимдан мамнунман. Ўзбекистон келажаги бўлган истеъдодли ёшлар кишининг ҳавасини келтиради.

Ўзбекистон билан Буюк Британиянинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш имкониятлари кенг. Ўйлаيمанки, ўтказилган учрашувлар икки томонлама муносабатларнинг янги қирраларини кашф этиш, ўзаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга ҳисса бўлиб қўйилади.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликнинг, жумладан, савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикрларингизни баён қилсангиз.

— Ўзбекистонда Буюк Британиянинг қатор компаниялари иш юритаётгани кувонарлидир. Улар сафини кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,

инвестициялар ва савдо вазирлигида бу масала бўйича фикр алмашдик.

2015 йилда Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 105,7 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Буюк Британияга 32,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Буюк Британиядан Ўзбекистонга 72,9 миллион долларлик товарлар импорт қилинди. Ўзбекистон бозорининг салоҳияти мазкур кўрсаткичларни янада ошириш имконияти катта эканидан далолат беради.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгаши аъзолари икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантириш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. 1994 йили ташкил этилган мазкур кенгаш мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини янада кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Кенгаш мажлислари Буюк Британия компанияларига Ўзбекистон бозори тақлиф этаётган имкониятлар ва кенг қўламли иқтисодий ислохотлар билан яқиндан танишиш, фойдали мулоқот ва

учрашувлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини бермоқда. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг сўнгги мажлиси Лондонда 2015 йил ноябрь ойида бўлиб ўтди. Ушбу анжуман савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳаларида қатор истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича келишувларга эришиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имконини берди.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасини изчил ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни мунтазам кузатиб борамак. Буюк Британия компаниялари Ўзбекистон тарраққети бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига ишонаман.

— Сизнингча, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик қандай самаралар бермоқда?

— Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатларимиз ўртасида таълим ва маданият соҳасидаги

ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, бу борадаги илгор тажрибаларни оммалаштиришга фаол ҳисса қўшмоқда. Уильям Шекспир таваллудининг 450 йиллиги муносабати билан «Ҳамлет» спектакли Ўзбекистонда британиялик ижодкорлар томонидан намойиш этилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида ташкил этилган «Шекспир Ўзбекистонда», британиялик расм ва ҳайкалтарош Генри Мур кўргазмалари Ўзбекистонлик санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотгани кувонарлидир.

Британия Кенгаши Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимизни янада яқинлаштиради, икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

ЎЗА муҳбири
Ноидра МАНЗУРОВА
суҳбатлашди.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁБОЛАЛАР ИЛК
БОР

безгакка қарши
эмланмоқда



Филиппинда илк бор болаларни безгакка қарши оммавий эмлаш жараёни бошланди.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг режаларига мувофиқ, бу тадбир дастлаб пойтахтда, шунингдек, мамлакатнинг урта йирик ҳудудида амалга оширилади, ушбу мақсадлар учун 76 миллион долларга яқин маблағ ажратилган.

Straits Times газетасида ёзилишича, биринчи бўлиб Манила шаҳрининг чекка қисмида жойлашган мактаблардан биридаги 600 нафар бола эмланган.

Кукумат режасига қўра, келгуси йилда тўққиз ёшгача бўлган барча болалар ушбу жараёнга жалб этилади. Эмлаш олти ойлик танлафус билан уч босқичда амалга оширилади.

30 ЙИЛ БЎШ
ЁТГАН
ҚИШЛОҚ
сотувга қўйилди

Англиянинг Йоркшир графлигидаги 150 йилдан бери биста оилага тегишли бўлган Бест-Хеслертон қишлоғи сотувга қўйилди. PressTV хабар беришича, кўчмас-мулкнинг нархи 20 миллион фунт (28,4 миллион доллар)га баҳоланмоқда.

Сотилаётган ҳудуд 850 гектарни ташкил этиб, унинг 45 гектари ўрмондан иборат. Қишлоқда 43 уй жойлашган. Шунингдек, 21 ётоқхонали катта иморат, меҳмонхона, мактаб, ўйин майдони ва бошқа иншоотлар мавжуд.

Бу каби манзилгоҳларни сотувга қўйиш дунёда биринчи бор юз бераётгани йўқ. Жорий йилнинг март ойида Американинг Невада штатидаги Кэл-Нев-Ари шаҳарчаси сотувга қўйилиб, саккиз миллион долларга баҳоланган эди.

ВАНУАТУ
ҚИРҲОҚЛАРИДА

7,2 балли зилзила
кузатилди

Тинч океанида жойлашган Вануатуда 7,2 балли зилзила кузатилди. Бу ҳақда Тинч океанидаги тўфонлардан хабар берувчи марказ маълум қилди.

Зилзила маркази Луганвилл шаҳридан 140 км. шимолда қайд этилган. Унинг ўчоғи 40 км. чуқурликда жойлашган.

Жабрланганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Маълумот учун: Вануату — Тинч океани ҳудудида жойлашган мамлакат бўлиб, аҳолиси 267 минг кишини ташкил этади.

ТАДБИР

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон
Республикаси Ички
ишлар вазирлиги
Академиясида
Сержантлар
таркибини тайёрлаш
олий курсининг
навбатдаги
битирувчилари
хизмат
вазифаларини
ўташга йўл олдилар.



Ички ишлар вазири Алҳам Аҳмадбоев Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларининг навбатдаги битирувчиларини табриклар экан, уларга масъулиятли хизмат вазифаларини бажаришда омад

тилади ва ички ишлар тизими мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши, соҳага қадим қўяётган ҳар бир ходим бунга муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Тадбирда ота-оналар номидан Гулнора Мирзақўлова, подполковник Умид Нуруллаев ҳамда битирувчи кичик сержант Абдор Аҳмедов сўзга чиқиб, курсантларни табриклашди.

ЎЗА олган сурат.

Бугунга қадар Ички ишлар вазирлиги Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида 20 йилгача ўтказилиб, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлардаги хизматлар учун 10 минг нафардан ортиқ мутахассис сержант тайёрланди. Ҳозирги кунда ушбу олий курсни тамомлаган сержантлар ички ишлар органларида ўзларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ХАЛҚАРО
КЎРГАЗМА■ Ислохотлар тақдири кадрлар салоҳиятига
боғлиқлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.ТАТУнинг
Самарқанд
филиалидасайёҳлар учун
электрон гид мобиль
илловаси ишлаб чиқилди

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали жамоаси Жанубий Кореянинг NRF таъкилоти билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрига ташриф буюрувчи сайёҳлар учун электрон гид мобиль иловасини ишлаб чиқди.

Лойиҳа муаллифи Исро Маматовнинг маълум қилишича, бу дастур Андроид тизимидаги мобиль қурилмаларга мўлжалланган. Бунинг учун сайёҳ ўз қурилмасидан «Google app store»га кириб, Samtour калит сўзини кириштириш орқали дастурни топади ва уни юклаб олади. Дастур орқали Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Масалан, «Меҳмонхоналар» менюсини очиб, меҳмонхонанинг жойлашган манзили, улар тўғрисидаги маълумотлар ва нархлар билан танишиш мумкин.

Ушбу лойиҳанинг истиқболли эканлиги инobatта олиниб, унинг кўп тилилигини ва фойдалигини ошириш мақсадида ТАТУ Самарқанд филиали, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди, деб ёзда «Зарафшон» газетаси ўз сайтида.

«Менинг
Тошкентим»
мюзиклининг
премьерасимай ойида бўлиб
ўтади

«Менинг Тошкентим» — янги турдаги сахна кўриниши бўлиб, унда асосий эътибор жонли ижро имкониятлари, ёрқин декорациялар, актёрлик маҳорати ва муаллифлик ёндашуви тарғиб этишга қаратилган.

Uz24.uz сайтининг хабар беришича, мюзикл премьераси жорий йилнинг 13-14 май кунлари «Истиклол» санъат саройида бўлиб ўтади.

«Қор маликаси» номли биринчи оилавий мюзикл ижодкорлари — Ҳасан ва Ҳусан Солихов саҳналаштирган мазкур дастур бир вақтнинг ўзида ўзбек ва рус тилларида тақдим этилади.

Мюзикл сюжетига бир маҳаланинг ҳаёти, унда истикомат қилувчи одамларнинг ички кечинмалари, муҳаббат, оилавий муносабатлар ва ҳаётнинг бошқа ёрқин тарафлари асос қилиб олинган.

Қорақалпоғистонда
мураккаб ўғитлар
олиш усули яратилди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими ходимлари аралаш мураккаб ўғитлар олиш усулини иختиро қилди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлигининг матбуот хизмати хабар тарқатган.

Ушбу усул минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда фойдаланишга мўлжалланган. Ундан кўзланган мақсад ўғит олишга боғлиқ жараёнларни соддалаштиришдан иборат.

Муаллифлар жамоасига мазкур усул учун патент берилди.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида XIV халқаро
кўргазма бўлиб ўтди

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Exposcontact» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда бандликка кўмаклашувчи марказлар, банклар, ўқув марказлари, «Баркамол авлод», «Ўзтелеком», «Nestle» каби корхона ва ташкилотлар ўзларининг тўрт мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Кўргазмада шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг қатор олий таълим муассасалари, ўқув курслар ёшларни таълим олишга тақдир этмоқда.

Мазкур анъанавий халқаро тадбирдан кўзланган мақсад ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва иштиёқини янада кучайтириш, уларни таълим

соҳасидаги ўзгариш ва янгиликлар билан таништириш, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим ўринга эга бўлган мутахассисликлар ва касблар тўғрисида тўлиқ маълумот беришдан иборатдир.

Кўргазмада хорижий университетларнинг юрти-миздаги филиаллари, ўқув

марказлар, ижодий студиялар фаолияти билан атрофлича танишиш имконияти яратилган.

«Таълим» бўлимида олий ўқув юрталари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, олий таълимдан кейинги таълим, хусусий мактаблар ва болалар боғчалари, тил ўрганиш марказлари, ижодий клублар, студиялар фаолияти ҳақида маълумот олиш имконияти мавжуд.

«Мутахассислик» бўлимида бизнес-таълим, чет элда ўқиш, хорижда тренинглари, таълим ва малака ошириш, масофавий таълим, малака ошириш институтлари, касбга йўналиштириш

ва аҳоли бандлиги марказлари фаолияти ҳақидаги стелндар ўрин олган.

— Чилонзор тиббиёт коллежиди ўқийман, — дейди Дилдора Мансурова. — Келажакда олий ўқув юртида тахсил олиш ниятидаман. Ушбу кўргазма менда катта таассурот қолдирди.

— Мазкур кўргазма Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самаралари ҳақида тўлиқ тасаввур беради, — дейди Венгриянинг Дунавжарос университети менежери Даниель Арпад. — Биз ўтган йили кўргазмада иштирок этгандик. Университетимизда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган талабалар

орасида Ўзбекистонлик ёшлар ҳам бор. Уларнинг одоб-ахлоқи, билим олишга бўлган иштиёқини алоҳида эътироф этишни истардим.

— Мазкур кўргазма қамровининг кенглиги билан бизга манзур бўлди, — дейди ЎЗМУ талабаси Холбой Бекназаров. — Бу ерда иштирокчилар мамлакатимиз ва хориждаги олий таълим масканлари, ўқув марказлари фаолияти билан яқиндан танишиши, ишга жойлаштириш имтиёзлари ёшлар бўш иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Жисмоний шахслар

йиллик даромадлари тўғрисида
декларация топширишлари зарур

Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан ташқари бошқа корхона, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаб, ўзига тегишли мол-мулкни ижарага бериш ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа турдаги фаолиятлар билан шуғулланиб, чекланмаган миқдорда даромад олишлари қонун билан кафолатлангани алоҳида таъкидланди.

— Қонунларимизда жисмоний шахсларнинг ушбу даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши белгилаб қўйилган, — дейди Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Илбос Раҳматов. — Декларация доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига шахсан бориб топширилиши,

почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Матбуот анжуманида бу борадаги қонунчилик талабларини ижро этиш механизми ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди. Уй-жой ва нотураж жойларни ижарага бериш шартномаси нотариал идоралар томонидан тасдиқланмаган бўлса, Мазмунрий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 159-моддасига биноан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн баравари миқдоридида жарима солинишига сабаб бўлиши, даромадлари тўғрисидаги декларацияни вақтидан кечиктириб ёки атайлабдан нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳолда тақдим этган фуқароларга нисбатан эса Мазмунрий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 174-моддаси билан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ўн баравари жарима қўлланилиши ҳақида тушунтирилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: est2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

СПОРТ

Мусобақанинг «D» гуруҳида қатнашаётган Қаршининг «Насаф» футболчилари тўртинчи турда Қатарнинг «Ал-Жаиш» жамоасини қабул қилди. Бу жуптикнинг Доҳада ўтган дастлабки учрашувида мезбонлар ягона гол эвазига ғалаба қозонганди.

Осиё
чемпионлар
лигасинавбатдаги тур учрашу-
ларида муҳим очколар
бой берилди

Қаршидаги учрашув олдидан аксарият муҳлислар ҳамюртларимиз ғалабасини тахмин қилишаётганди. Аммо мurosасиз ва шиддатли кечган ўйинда ҳисоб очилмади.

Қатарликлар мазкур натижадан сўнг, ўз ҳисобидаги очколар сонини 10 тага етказиб мuddатидан олдин «плей-офф» босқичи йўлланмасини ҳал қилди. «Насаф» жамоаси ҳисобида эса 4 очко бор. Энди улар қолган икки турда ғалаба қозонишса, мусобақани давом эттириши мумкин.

Гуруҳдаги иккинчи баҳсда «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони) вакиллари ўз майдонида «Ал-Айн» (Бирлашган Араб Амирликлари) футболчиларига ютказиб қўйди.

Осиё чемпионлар лигаси «В» гуруҳида тўп сураётган яна бир футбол клуби «Бунёдкор» эса Эроннинг «Зоб-Ахан» жамоаси меҳмони бўлди. Унда Сергей Лушчан шоғирлари рақибига йирик ҳисобда имкониятни бой берди.

Кеча эса Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси «Сепехон» (Эрон) футболчилари билан (1:0) куч синашган бўлса, «Пахтакор» вакиллари Эронда «Тракторсози» футбол клуби меҳмони бўлди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	7-8.04 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+2 / +7	+12 / +17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+5 / +10	+17 / +22
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+5 / +10	+17 / +22
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+5 / +10	+17 / +22
Тошкент шаҳри	
+6 / +8	+18 / +20
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+12 / +13
Париж	+12 / +14
Москва	+14 / +13
Мадрид	+19 / +16
Пекин	+24 / +26
Канберра	+23 / +24
Рим	+27 / +19
Афина	+25 / +24
Токио	+22 / +20
Стокгольм	+10 / +11

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшановга онаси

САДАФ аянинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 201-умумтаълим мактаби жамоаси меҳнат фариши

Ойша АБДУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига қўқур таъзия билдиради.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Musihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad

RAHIMOV

Tat'yana

KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459

15101

nuxxada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.50

Toshirishgan vaqti — 23.30

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

772010743300A

1 2 3 4 5